



## THE IDEAS OF FREEDOM AND LIBERTY IN THE WORKS OF RICHARD BAX AND SAMAD BEHRANGI.

Oydin Zafardinovna Turdieva

Associate Professor, Doctor of Philological Sciences, of Tashkent State  
University of Oriental Studies Tashkent, Uzbekistan

e-mail: [oydint21@gmail.com](mailto:oydint21@gmail.com)

**Abstract:** This article has a comparative character and is dedicated to the analysis of the works of two great writers - the representative of Iranian literature, Samad Behrangi and the American writer Richard David Bach. In the process of analyzing their works, one can find ideological and artistic similarities. In particular, the writers belong to the same era, and the issues raised in their works are also the same. Samad Behrangi plays a major role in the formation of a new generation in the country. Richard Bach is a philosopher, writer and pilot of his time. What made him known as a writer is his love for the sky and the joy of flight. The issue of free will and freedom raised in their works are enlightening works for training and strengthening the soul.

**Keywords:** Samad Behrangi, Richard David Bach, the idea of freedom and emancipation, symbolic images, "A little black fish", "Jonathan Livingston Seagull".

**РИЧАРД БАХ ВА САМАД БЕХРАНГИЙ АСАРЛАРИДА ЭРК ВА  
ОЗОДЛИК ФОЯЛАРИ**

Турдиева Ойдин Зафардиновна

Тошкент давлат шарқшунослик университети

доценти, филология фанлари доктори

Тошкент, Ўзбекистон

**email: [oydint21@gmail.com](mailto:oydint21@gmail.com)**

**Аннотация.** Мазкур мақола қиёсий характерга эга бўлиб, икки буюк адиб – эрон адабиётининг вакили Самад Бехрангий ҳамда Америкалик ёзувчи Ричард Девид Бахнинг асарлари таҳлилига бағищланган. Уларнинг асарларини таҳлил қилиш жараёнида ғоявий ва бадиий ўхшашикларни учратиш мумкин. Хусусан, адиблар бир даврга муносиб, асарларида кўтарилилган масала ҳам бир хил. Самад Бехрангий мамлакатда янги авлод шаклланишида катта роль ўйнади. Унинг китоблари бўйича Эрон болалари ўқишишган ва ўқишимоқда, юзлаб ёш педагог ва қишлоқ ўқитувчилари унинг янги тарбия борасидаги ғояларини қабул қилишган. Ричард Бах эса ўз даврининг файласуфи, адиби сифатида танитган нарса осмон ва парвоз завқига бўлган муҳаббатдир. Бу икки адиб асарларида кўтарилилган эрк ва озодлик масаласи рухни чиниқтириш ва бардам қилишга ёрдам берадиган маърифий асарлардир.

**Калит сўзлар.** Самад Бехрангий, Ричард Дэвид Бах, эрк ва озодлик ғояси, рамзий ва мажозий образлар, “Кичкина Кора балиқча”, “Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон”.

**Аннотация.** Данная статья носит сравнительный характер и посвящена анализу творчества двух великих писателей - представителя иранской литературы Самада Беранги и американского писателя Ричарда Дэвида Баха. В процессе анализа их произведений можно обнаружить идеино-художественные сходства. В частности, писатели принадлежат к одной эпохе, и вопросы, поднимаемые в их произведениях, тоже одни и те же. Самад Беранги сыграл большую роль в формировании нового поколения в стране. Ричард Бах — философ своего времени, писатель и пилот. Что сделало его

известным как писатель, так это его любовь к небу и радость полета. Вопрос воли и свободы, поднятый в их произведениях, есть просветительские произведения для тренировки и укрепления души.

**Ключевые слова:** Самад Бехранги, Ричард Дэвид Бах, идея свободы и раскрепощенности, символические образы, “Маленькая чёрная рыбка” «Чайка по имени Джонатан Ливингстон».

**Кириш.** Адабий мавзулар замонлар ва маконлар оша қўчиб юради. Бир халқ адабиётидаги образлар ёки сюжетлар бошқа бир халқ бадиий тафаккурида бутунлай бошқа бир тарзда намоён бўлиши мумкин. Сайёр сюжетлар, умуминсоний қадриятларни мужассам этган образлар ҳар қандай даврда, хоҳ у ўрта асрлар бўлсин, хоҳ ҳозирги замонамиз бўлсин, бадиий ифодасини топиб келган ва келмоқда. Хусусан ғарб адабиётининг бир қанча намуналарида шарқ фалсафасига, маданиятига, адабиётига оҳангдош асарларни учратишимииз мумкин. Шундай оҳангдошлиқ мавжуд бўлган асарлардан бири эрон болалар ёзувчиси Самад Бехрангий (1939-1967)нинг “Кичкина қора балиқча” (“ماهی سیاہ کوچولو”) асари ҳамда америкалик ёзувчи, файласуф, публицист Ричард Бах (1936 йилда таваллуд топган) нинг “Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон” (“Jonathan Livingston Seagull”) номли ривоят қиссаларидир. Ҳар икки бу асарлар кўплаб тилларга таржима қилиниб, муллионлаб нусхаларда чоп қилинган, ўз муаллифига катта шухрат келтирган асарлардир. Мутахассислар ушбу асарларнинг машхур бўлишига турли сабабларни келтирадилар, жумладан Самад Бехрангий шоҳ режимига қарши ёзувчи бўлган ва ўз орзулари ва ғояларини Кичкина қора балиқча тилидан ифода этган, халқни зулмга қарши курашишга чақирган. Ричард Бах асарининг муваффақиятини эса айрим адабиётшунослар ундаги воқеаларнинг Инжил сюжетига ҳамоҳанглиги билан боғлашса, баъзилар уни “истеъмолчилар жамияти”даги маънавий инқирозлар даврининг долзарб муаммосини кўтариб чиқкан асар сифатида баҳолайдилар.

Самад Беҳрангийнинг ўз мамлакати ёш авлоди онги шаклланишида хизмати жуда катта бўлган. Унинг китоблари асосида эрон болалари таҳсил олдилар ва таҳсил олмоқдалар. Самад Беҳрангий ҳаётлик чоғларида ўзи туғилиб ўсган Эрон Озарбайжонининг айрим шаҳар ва қишлоқларида гина таниш эди. 1957 йилда Табриздаги ўқитувчилар тайёрлаш коллежини тамомлаганидан кейин қишлоқ муаллими вазифасида фаолият юрита бошлади. Унинг янги педагогик ғоялари айнан 60-йилларда шакллана ва тажрибадан ўта бошлаган эди. Шу билан бирга адига катта шухрат келтирган, фольклор мотивлари ва янгича ғоялар билан йўғрилган болалар учун мўлжалланган ҳикоялари ва эртаклари ёзила бошлади. Адигнинг бадиий асарларига чуқурроқ назар ташланса, улардаги фалсафий маъно ва ҳаётий ғоялар нафақат ёш авлод, балки ўрта ва катта авлод учун ҳам тарбиявий аҳамиятга эга эканлигига ишонч хосил қиласиз. Бу асарларда форс адабиётига хос анъанавий ва азалий мавзулар – ҳалол ва ҳаром, эзгулик ва ёвузлик,adolat ва разолат, жаҳолат ва садоқат, инсоф ва диёнатсизлик ўртасидаги кураш шарқона услубда моҳирона тасвирланади. Ҳатто, уларда фалсафа ва фикрлаш тарзи ҳам шарқонадир. Бу эса ёш авлодни ўз халқи тарихи ва тақдирига ҳурмат ҳамда муҳаббат руҳида тарбиялашда катта ижтимоий маъно касб этади. Ёзувчининг фикрича, ёшларни болалиқдан мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этишга ундаш фойдадан ҳоли эмас, тики болалар ўз ватаним, ўз халқим дейишдан тортинмасинлар, уялмасинлар. Беҳрангийнинг барча асарлари чуқур ижтимоий танқидий рух билан суғорилган бўлиб, бу ҳолат унинг асарларига инқилобий жарангдорлик баҳш этган. Беҳрангий ўз асарларида тилда яхшилик ва инсонпарварлик ғояларини мадҳ этувчи, амалда эса шахсий манфаатларини кўзловчи ҳокимият эгаларининг ёлғон фалсафаларини фош қила билди. Афсуски, ёзувчининг ҳаёти жуда фожеали якун топган, у 28 ёшида сирли равишда ҳалок бўлган. Беҳрангийнинг ўлимидан кейин унинг барча асарлари, хусусан “Кичкина қора балиқча” жуда машҳур бўлиб кетган ва инқилоб рамзига айланган.

Фольклор анъаналари ҳамда қисқа ҳикматли сўзлардан фойдаланган ҳолда Беҳрангий ҳар бир асарини ҳаёт дарсига айлантириди. Хусусан, ёзувчинингadolatsiz ижтимоий тузумга, ўз даврини ўтаб бўлаётган тобелик ва сусткашлик анъаналарига қарши йўғрилган барча асарлари ичида, айниқса, унинг "ماھی سیاھ کوچولو" ("Кичкина қора балиқча") асари муҳим ўрин тутади. Жамиятда шахс тарбияси, мавжуд тузумга бўлган танқидий муносабат, инсон қадр-қиммати ва ор-номусига бўлган ҳурмат, тенглик, бирдамлик ваadolatli ҳаётга бўлган ҳуқуқлари, ижтимоий зулмга қарши қураш ва ушбу қурашда жон фидо қилишга тайёргарлик – шундай ғоялар ушбу эртакда ёрқин ифодасини топган.

Дунёни билиш ва унда ўз ўрнини топиш учун кичкина қора балиқча узок саёҳатга чиқади. Демак кўриб чиқаётиган асарларимизнинг биринчисида воқеалар сув остида – анҳорда бошланади. Кичкина қора балиқча сафаридавомида кўрганлари – дарё, денгиз, кўп мавжудотлар билан танишув, буларнинг барчаси болалар учун ёзилган ажойиб тарихдир. Ҳайратланарли даражада ишончли ва енгил баён қилинган “Кичкина қора балиқча” эртак-хикояси саҳифаларида 50-йиллардаги Эрон халқининг олиб борган озодлик ҳаракатига тааллуқли бўлган лавҳалар аллегорик равишда берилган. Балиқчанинг ҳар бир саргузашти, душманлари (сақоқуш, арабалиқ, ёввойи ўрдак) билан ҳар бир тўқнашуви орқасида ҳаётий воқеалар ва ҳаётий ижтимоий прототиплар мавжуд.

“Оқчарлоқ Жонатан Ливинстон” асари эса учишнинг жўнгина қоидалари билан қаноатланадиган, жиддийроқ парвоз қилишни ўрганишга ўзларини уринтириб ҳам ўтирмайдиган аксар оқчарлоқлардан фарқли парвозни яхши қўрадиган оқчарлоқ Жонатаннинг саргузаштлари ҳақида. Кўриниб турибдики, иккинчи асар воқеалари асосан сув устида, денгиз қирғоқларида ва асосан осмонда кечади. Мазкур асар қуйидаги пролог билан бошланади:

*Асл Жонатанга – ҳар биримизда яшайдиган оқчарлоққа багишланади.<sup>1</sup>*

<sup>1</sup> Ричард Бах. Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон. Тошкент 2016.6-с.

Муаллиф асар бошланишиданоқ ўқувчини диққатини жамлаб, асар охиригача диққатни жамлаб туришга эришган.

Хар икки асар бөш қаҳрамонлари кичкина қора балиқча ҳамда оқчарлоқ Жонатан ўзлари яшайдиган анъанавий ҳаётларидан зерика бошлайдилар. Самад Бехрангий асари қаҳрамони ҳаёт фәқат шу кичкина анхорчадан иборат эмаслишини англаб етади ва кетишга қарор қиласы:

یک روز صبح زود، آفتاب نزده، ماهی سیاه کوچولو مادرش را بیدار کرد و گفت: «مادر! می خواهم با تو چند کلمه بی حرف بزنم».

مادر، خواب آلود، گفت: «بچه جون! حالا هم وقت گیر آوردم! حرفت را بگذار برای بعد بهتر نیست برویم گردش؟»

ماهی سیاه کوچولو گفت: «نه مادر، من دیگر نمی توانم گردش کنم. باید از اینجا بروم». مادرش گفت: «حتما باید بروم؟»

ماهی سیاه کوچولو گفت: «آره مادر، باید بروم». مادرش گفت: «آخر، صبح به این زودی، کجا می خواهی بروم؟»

ماهی سیاه کوچولو گفت: «می خواهم بروم ببینم آخر جو بیار کجاست. می دانی مادر! من ما هاست تو این فکرم که آخر جو بیار کجاست و هنوز که هنوز است، نتو انسنه ام چیزی سر در بیارم. از دیشب تا حالا، چشم به هم نگذاشته ام و همه اش فکر کرده ام، آخرش هم تصمیم گرفتم خودم بروم آخر جو بیار را پیدا کنم. دلم می خواهد بدانم جاهای دیگر، چه خبرهایی هست».

مادر خنده و گفت: «من هم وقتی بچه بودم، خیلی از این فکرها می کردم. آخر جانم! جو بیار که اول و آخر ندارد، همین است که هست! جو بیار همیشه روان است و به هیچ جایی هم نمی رسد».

ماهی سیاه کوچولو گفت: «آخر مادر جان! مگر نه این است که هر چیزی به آخر می رسد؟ شب به آخر می رسد، روز به آخر می رسد، هفته، ماه، سال ...»

مادرش میان حرفش دوید و گفت: «این حرف گنده گنده را بگذار کنار، پاشو برویم گردش. حالا موقع گردش است نه این حرف ها!»

ماهی سیاه کوچولو گفت: «نه مادر، من دیگر از این گردش ها خسته شده ام، می خواهم راه بیفهم و بروم ببینم جاهای دیگر چه خبرهایی هست. ممکن است فکر کنی که یک کسی این حرفها را به ما هی سیاه کوچولو یاد داد، اما بدان که من، خودم خیلی وقت است در این فکرم. البته خیلی چیزها هم از این و آن یاد گرفته ام، مثلًا این را فهمیده ام که بیشتر ما هی ها، موقع پیری شکایت می کنند که زندگیشان را بی خودی تلف کرده اند. دائم ناله و نفرین می کنند و از همه چیز شکایت دارند. من می خواهم بدانم که،

راستى راستى، زندگى يعنى اينكە تو يك تكه جا، هى بروى و برگردى تاپير بشوی و دىگر هىچ، يا اينكە طور دىگرى ھم توى دنيا مى شود زندگى كرد؟...<sup>2</sup>

*“Бир куни эрта тонгда, қуёш чиқмасдан кичкина қора балиқча онасини уйготди ва деди: “Онажон! Сиз билан бироз гаплашиши хоҳлайман.”*

*Онаси уйқусираб деди: “Болажоним! Ҳозир вақти эмас! Кейин гаплашамиз, ҳозир айланишига борамиз.”*

*Кичкина қора балиқча деди: “Йўқ ойижен, мен бошқа айланишига бора олмайман. Бу ердан кетишум керак.”*

*Онаси деди: “Албатта кетишинг шартми?”*

*Кичкина қора балиқча деди: “Ха, онажон, кетишум керак.”*

*Онаси деди: “Эрталабдан қаерга кетмоқчисан?”*

*Кичкина қора балиқча деди: “Анҳорнинг охри қаердалигини бориб кўришини хоҳлайман. Биласизми онажон! Мен ойлаб анҳорнинг охри қаердалиги ҳақидаги фикрда эдим ва ҳозиргача ҳеч нарса била олмадим. Кеча тундан бери кўзимни юммадим ва ҳаммасини ўйладим, охри ўзим бориб анҳорнинг охрини топишга қарор қилдим. Бошқа жойларни, яна қандай хабарлар борлигини билишини хоҳлайман.”*

*Онаси кулди ва деди: “Мен ҳам болалик давримда шуларни ўйлаганман. Аввали ва охри бўлмаган анҳор мана шу. Анҳор ҳамиша текис оқади ва ҳеч жойга етиб бормайди.”*

*Кичкина қора балиқча деди: “Онажон! Ахир ҳар нарсанинг охри бор-ку, бу ундей эмасми? Туннинг охри, куннинг охри бор, ҳафта, ой, йил...”*

*Онаси гапини бўлди ва деди: “Бу фойдасиз гапларни қўй, айланишига борамиз. Ҳозир айланиши вақти, бу гапларнинг эмас!”*

*Кичкина қора балиқча деди: “Йўқ, онажон, мен бу айланишлардан чарчадим, йўлга тушиб бошқа жойларни кўришини, қандай янгиликлар*

борлигини билишини хоҳлайман. Ахир ўйлаб кўринг, бир киши бу гапларни кичкина қора балиқчага ўргатиши мумкин-ми, билинг-ки мен ўзим узок вақтдан бери шу фикрдаман. Албатта, кўп нарсаларни ҳам ундан-бундан ўргандим, масалан, шуни тушундим-ки, кўпгина балиқлар кексалик пайтида умрини беҳуда ўтказганликларидан шикоят қиласилар. Доим нолийдилар ва ҳамма нарсадан шикоят қиласилар. Мен, ҳаёт, қаригунча бир парчагина жойда у ёқдан бу ёққа бориб келавериб яшаши ёки бу дунёда яшашининг бошқача тарзи ҳам бормикан, шуни билмоқчиман.

*Кичкина қора балиқчанинг гаплари тугаганда, онаси деди: “Болажоним! Дунё!... дунё!... дунё яни нима? Дунё биз турган жой, ҳаёт ҳам шуки биз борлигимиз...”*

Анҳорда яшовчилар балиқчанинг исёнидан ғазабга келиб, уни жазолашга қарор қилишади: олдин улар қўрқитиб, кўндиришмоқчи бўлишди, кейин эса ҳаракталари кор қилмаган, балиқчани ҳайдаб солишди.

Мустақил саёҳатининг биринчи дақиқаларида ёқ балиқча у сузиб ўтган сув ҳавзасида яшовчилар ҳаётида, унинг атрофида муттасил ўзгариб турган табиат оламидаги янги ҳаётни англай бошлади. Саёҳатининг биринчи даврида бошидан кечирганлари унинг баҳсларда дунёни мустақил билишга ҳақли эканини уқтирганлари, ўша тўқнаш келганлар фикр-ўйларидан устун эканлигини англашга ёрдам берди. Шунинг учун, эртакда ўзига ишонч, хотиржамлик полемикасига сезиларли жой ажратилган. Ушбу фикрлар ёзувчига замона томонидан олға сурилган янги ғоя ва аҳлоқий вазифаларни ёрқинроқ ва кўринарли равишда очиб бериш имконини берди.

Оқчарлоқ Жонатан эса майда ташвишлар – қирғоқдан кемадан қирғоққача учиб-қўниб умр ўтказишдан чарчайди. У ниҳоят ғафлатни тарк этишга, ўзидағи куч-қудратни, ақл-идрокни ишга солишга ва ниҳоят чинакам парвоз завқини ўрганишга қарор қиласиди. Шу мақсадда у ўзи кашф қилган парвоз сирларини ўрганишга, мукаммаллаштиришга, ўз галасига буларнинг барчасини тушунтириш ва ўргатишга ҳаракат қиласиди. Бироқ анънавий ҳаёт

тарзини энг тўғри йўл деб билган тўда уни Оқчарлоқлар кенгаши муҳокамасига чақиради ва унибеандишилик, ўзбошимчалик ва масъулиятсизликда айблайди:

—... ва сен — Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон бир кун келиб масъулиятсизлик қандай оқибатларга дучор этишини англаб етасан. Бизга ҳаёт моҳиятини англишга уринии буюрилмаган. Фақат бир нарса аён: бу дунёга биз ризқимизни топиб ейши ва шунинг эвазига имкон борича узокроқ умр кўриши учун келганмиз, холос.

*Кимки Оқчарлоқлар Кенгаши муҳокамасига тортилган бўлса, гала аҳли билан мажслисда баҳслашиши тақиқланганди, бироқ Жонатан ўзини тутиб туролмади:*

—Беандишилик дейсизми?! — хитоб қилди у. — Сизларга нима бўлди, биродарлар?! Ҳаётнинг моҳиятини тушунишига уриниш, катта мақсадларга олиб борадиганийўлларни излаш — ахир бунинг нимаси беандишилик? Ўзингни бу олижсаноб ишларга бағишилаш — масъулиятни тўла ҳис этиши-ку! Ахир, биз ҳозиргача нимани тушуниб етдик? Балиқнинг ичак-чавогини талашиб, минглаб йилларни бой бердик... Энди бизда ибтидомизни — нима учун яшаётганимизни англиш имконияти пайдо бўлди. Каиф этиши, тушуниши, озод бўлиши имконияти! Менга бир мартагина имкон беринг...<sup>3</sup>

Шу тариқа Жонатан Оқчарлоқлар жамоаси сафидан қувғин қилинади. Галадан ҳайдалади, олис қояларга сургун қилинади.

Гувоҳи бўламизки, ҳар икки қаҳрамон ҳам ўз яқинлари томонидан қувғинга учрайди ва якка ҳолда мақсад сари йўл оладилар.

Балиқча сафари давомида кўплаб кулгили ва хавфли ҳолатларга тушади, турли яхши, ёмон жониворларга, жонзотларга дуч келади, учрашади ва охир-оқибат ўз мақсадига — эрк ва озодлик рамзини ифодаловчи бепоён денгизгага этиб келди. Айнан шу ерда, балиқча ўз ҳамфикрларини, кейинги ҳаётини улар билан давом эттиришни хоҳлаган маслакдошларини топади. Муаллифнинг

---

<sup>3</sup> Ричард Бах. Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон. Тошкент 2016.23-с.

кўзлаган фикр-ўйлари бутунлай ойдинлашади, бу ерда у ўзининг курашчан инсоннинг оммавий жамоат ҳаракати қатнашчисининг ўрни, вазифалари ҳақидаги фикрларини, тасаввурларини очиб беради.

حالа دیگر کوه و دره قام شده بود و رودخانه از دشت همواری می‌گذشت. از راست و چپ، چند رود خانه‌ی کوچک دیگر هم به آن پیوسته بود و آبش را چند برابر کرده بود. ماهی سیاه کوچولو از فراوانی آب لذت می‌برد. ناگهان به خود آمد و دید آب ته ندارد. اینور رفت، آنور رفت، به جایی برخورد. آنقدر آب بود که ماهی سیاه کوچولو توبیش گم شده بود! هر طور که دلش خواست شنا کرد و باز سرش به جایی خورد...

*Энди атрофда тоғлар кўринмасди ва анҳор даштдан текис оқиб ўтарди. Ўнг ва чапдан бир қанча кичик анҳорчалар унга қўшилиб кетарди ва анҳор сувини кўпайтиради. Қора балиқча сувнинг кўплигидан лаззатланарди. Ногаҳон ўзига келди ва сув қирғозлари йўқлигини кўрди. У ер бу ерга сузди. Ҳеч жойга етиб бормади. Сув шу қадар кўп эдики, кичкина қора балиқча у ерда адашиб қолиши мумкин эди! У ҳоҳлаганича сузиб юрди.*

Оқчарлоқ Жонатан ҳам ёлғизланиб қолмади. Унга эргашган ёш қувғинди оқчарлоқлар пайдо бўла бошлади. Энди Жонатан шогирдларига парвоз сирларини ўргата бошлади. Машғултлар пайтида Жонатаннинг айтган қуйидаги сўзлари асар моҳиятини очиб беришга хизмат қиласди:

— Ҳар биримизда Буюк Оқчарлоқ гояси мужассам. Бу ҳар қандай тўсиқлардан холи мутлақ озодлик гоясидир. Шунинг учун ҳам парвозда аниқлик ва мукаммаликка эришиши – ботинимиздаги ҳақиқий моҳиятни кашф этиши ва намоён қилиши йўлидаги илк қадам. Бу йўлда тўсиқ бўладиган нарсалардан халос бўлиши зарур. Катта тезликда учиш, тезликни меъёрида сақлаш, юксак парвоз сирларини эгаллаш – машқларнинг муҳим жиҳати шунда...<sup>4</sup>

<sup>4</sup> Ричард Бах. Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон. Тошкент 2016.53-с.

Бу икки асарни қиёсий таҳлил этар эканмиз улардаги асосий ғоя – инсон эркинлиги, озодлиги ғояси ётишини кўрамиз. Ҳар икки асар деярли бир вақтда яратилган. Самад Беҳрангийнинг “Кичкина қора балиқча”си 1968 йилда, Ричард Бахнинг асари эса 1970 йилда илк бор чоп этилган эди. Уларда илгари сурилган ғоялар ҳам бир-бирига ҳамоҳанг. Асар қаҳрамонларининг фикрлаши, мақсадлари бир. Улар ўз мақсадларига эришиш учун ҳеч қандай тўсиқ ва қаршиликлардан қўрқмайдиган қаҳрамонлардир. Ҳар икки асар қаҳрамони ўз мақсадига эришади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Кичкина қора балиқча ва Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон ҳозирги замон ёшларига улкан бир ибрат намунаси, инсоннинг комилликка чорлайдиган образлардир. Ёшлар бу мажозий образларда ўз ботинларидаги Парвозга эҳтиёжни ҳис этадилар. Улар Кичкина қора балиқча ва Жонатанда ўзларининг амалга ошмаган, бироқ амалга ошиши лозим бўлган истак-хоҳишларини кўрадилар. Бу асарлар ўқувчи учун эрмакка ўқиладиган қисса эмас, балки рухни тарбиялаш, чиниқтириш, бардам қилиш йўлидаги маърифий жараёнга айланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Turdiyeva, O. (2016). Modern Iranian Literature: The Historical and Present Development of the Short Story Genre. *Journal of Literature and Art Studies*, 6(7), 775-784.
2. Turdiyeva, O. Z. (2022). BOBURIYLAR DAVRI FORSIYZABON ADABIYOTI. ZEBUNISO–FORS ADABIYOTINING «MAXFIY» CHEHRASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(Special Issue 25), 283-289.
3. Turdiyeva, O. (2021). MODERNIST PRINCIPLES IN THE WORK OF RAZIYE TUJJAR. *World Bulletin of Social Sciences*, 5, 109-111.
4. Кляшторина В.Б. Иран 60-80-х годов от культурного плюрализма к исламизации духовных ценностей. М., 1990.

5.                   بهرگى، صمد، قصه‌هاى بهرنگ، تهران، ميلا د، ۱۳۸۴
6.                   Ричард Бах. Оқчарлоқ Жонатан Ливингстон. Тошкент  
2016.